

Мухаббатчалик шеъриятга шох, шеъриятга кулдор туйгу йўк. Ибтидоси хамма хисдан кадимий, умри хамма мавзудан узун, жозибаси бетимсол унинг. Имкони ҳеч поён билмас, шуъласи тушмаган макону замон бўлмас. Нафосат ва фасохат, балогат ва камолот, матонат ва мусибатнинг мухаббат ва мухаббатсизликка дахлсиз жихати асло учрамайди.

Шеъриятчалик ҳам мухаббатга шайдо, ошик-ошуфта кул йўқдир. Яратганнинг мадади ила бандасининг кўлидан келадиган ижодлар ичида мукаддас туйгу поэтик изхорига рангин усуллар, услублар воситасида энг якин борувчи санъат нави шеъриятдир. Ишк бобида унингдек далли девона, унингдек дили дардхона, балки топилмас.

Шеърпарастрлар ҳеч қачон ўзларини мухаббат тараннумига тўла-тўқис эришган деб хисоблашмаган. Бунда бадиий сўз муддосининг интихоси бўлмайди. Зотан, шеърият ундан яралади, усиз гарибу нокерак нарсага айланади. Аммо...

Аммо қандай мухаббат азиз ва жоиз? Аммо қандай мухаббат рост ва бегубор? Қандай Хак ризолиги сари элтади, асл саодатга кафолат беради? Ишқлар ичра қайсиси абадийдир, буюқдир? Буюрилганидан ўзга «мухаббат» нимадир? Қай ишқни қай йўсин ифода этган яхшироқ?..

Илми адабда муаммонинг яна саноксиз сўроқлари, жумбоқлари бор. Бу тоифа масалалар бизнинг кунларда ҳар нечук кечмиш асрагидан кўра серкирра ва мунозарали.

Таассуфки, шундайдир.

Жамики аъмол, ижод, натижа инсонда унинг эътикод сифатига мос бунёдга келади. Эътикогдаги эгрилик, сустлик, бўшанглик чекилган захматни зое қилмоги мумкин. Рост йўл билдирилган, кўрсатилган, асослаб берилган. Гўзал, комил, мукамал, умрбоқий эътикод исломдадир. Табиий мухаббатларнинг тўғрилиқда ҳамда абадийликда танхоси унда Тангри Таолога бўлган мухаббат саналади. Дунёвийлари эса икки тоифадир: бири бандани ажру мукофотга муяссар этгувчи, бошқаси адаштирувчи, гуноҳга ботирувчи, синов муддатини ботил кетказгувчидир. Яъниким, биринчиси яратикларни -хаёт неъматларини, инсонларни, эл-улусни, юрт-маконни Аллоҳ учун севмоқлик бўлса, иккинчиси нималарнидир, кимларнидир Аллоҳ билан бирга, Унга тенг қўйиб, Ундан устун тахмин қилиб севмоқликдир. Бу номаргуб мухаббатда вужудий манфаат голиб юради. Сўз санъати, бинобарин, назм исломий иймон ёғдусидан қачон нечоғлик чиройли бахраманд бўлган бўлса, ўшанда шунчалик юксаклик ва яшовчанлик топган. Аксинча, ундан қанчалар олисласа, юз ўгирса, шаккоқлик қилса, нокерак ишваларга учса, ўзига жабр қилган — таназулга учраган. Санъаткорлар ўз иқтидорлари билан ҳам Яратганнинг ҳузурида масъулдирлар, синовдадирлар. Шунингдек, умуман дунё турмушидаги сингари ижодиёт жаҳҳасида ҳам хатолар илдиз отса-ю, уларни бартараф этмок учун одил мезонларда иттифок қилинмаса, соҳа аҳли ва билиб-эшитиб жим турганлар баравар гуноҳга дохил бўладилар.

Эътикод мўртлигида нафси бало фоний хаётнинг у ёки бу роҳатини, нарсасини, гўзаллиги ва ширинлигини бетиним хоҳлайди. Қизганади, тўймайди. Ислом нафсни, хирсни, ҳасадни, ноҳолис хавасни жиловлаб туради. Ботил ҳислар тасвирига оғиб кетиши мумкин бўлмиш шеъриятни ҳам бақувват иймон доирасида сакловчи, гализ гоҳлардан қайтарувчи ўшадир. «Тўсди иймон йўлимни, қуфр судради олға» деганида

Мирзо Голиб айнан шу аччик, аммо рўй-рост хаккониятни назарда тутган эди. Исломият динни дунёдан ажратиб карамайди. Унинг таълимотида меъёр, ўртахоллик каби олижаноб ўлчовлар бор. У ёруг оламнинг барча соха ва замонлари манфаатини ўзида мужассам этган. Шаркдан чиккан ўнлаб алломалар, дахо шоирлар бу чин акидасиз, шубхасиз, шунчалик баланд дунёвий мартабаларга кўтарила олмаган бўлур эдилар. Мазкур масалаларда шубхаю бахслар ноўрин: ислоний иймон ижодлар, илмлар, дунёкарашлар, хукм-хулосаларнинг бош мезонларидан эканлиги тайин.

Асримизда одамзоднинг ўз-ўзига зулми беҳисоб бўлди. Мамлакатлараро низолар, жахоний урушлар, мустабидликлар, очарчилик ва катагонлар, хуллас, нохуш, манфур ходисалар кўп кечди. Адабиётларда яхши-ёмон ўзгаришлар, таъсирланишлар содир бўлди. Собик шўро тузумида шеърият илохий ишқдан зудлик билан видолашиб, уни узок муддат эсдан чикарди. Мафкура буюрган чоғларда илохиятга карши дахрийёна гапларни шеър килиб хайкиртирди. Тушуниб -тушунмай Худога ширк келтириш йўлига кирди. Кўркмади. Адашди.

Эрк сари интилишлар, интилганлар тажрибаси, Истиклол мухотидаги имконлар боис, ниҳоят, равшан бўлдики, поэзиянинг катта-кичик бор кусурлари — мутелиқдан, дахрийликдан, журъатсизлик, жохиллик, бежиходликдан, дангалини айтганда, иймон бўшлигидан.

Миллий шеъриятнинг аламли жудолиги Худога мухаббатни ёзишдан мутлок махрумлиги эди. Окибатда у факат дунёвий мухаббатларгагина инониб ва суяниб колди. Бутун завку овозини шуларга багишлади. Шундаги халоватни, висолни, хижронни, лаззатни бирламчи гоъвий - эстетик максад макомига кўтарди. Фанодаги ёр севгисини тавоф этди, уни ёлғиз илох деб билди, Худодан устун кўйди, унга саждалар килди. Мусулмон дунёси назмининг илдиз-илдизигача обихаёт таратиб турган анъанадан ногахон воз кечилиб, Илох ёди-севгисининг зиддига караб кетилди.

Хўш, муслимона йўлда мажозий ишқ рад этилмас экан, аср ўзбек шуароси уни талкин этмокка хакли-хукукли саналган экан, классик фасохатга хос чукур рамзийлик, юксак сериболилик, кўпмаънолилик каби фазилатлар аксар ижодда нега камаё борди? Нега жўн ва кашшок, сохта ва беибо, махдуд ва такаббур, муте ва нотавон ошиқлик шеърияти хам барпо бўлди? Шериятимиз ўтган йўлнинг яккол кўзга ташланувчи «маданий севги» хосликларидан баъзиларини сабок бўлсин деган ниътда хотирлайлик.

Йигирманчи йилларда сохибжамол кизнинг кандайдир чолгами, бойгами, «ёт унсур»гами тегиб кўйганидан ўкиниш, келинчакни бул эрдан айнитиш, ёвуз чангалдан куткариш, озод турмуш фаолига айлантиришга харакат тасвири сиёсий поэттик мажбурият тусини олди. Шарк кизида жахолат каъридан илму моърифатга, ижтимоий илгорликка талпиниш ва жамиятда бундай тамойилга маълум эхтиёжлар сезилганлиги ёлгон эмас. Лекин шу мавзуда битилган катор асарларда «туткин» аёлнинг эрига, эринг хотинга номуносиблиги сира хис этилмайди. Шариат ва одамгарчилик коидаларига хилоф равишда, «бегона» оила вазиятини етарли ёритмай туриб, лирик кахрамонлар оилаларни «бузишга» чоғланади. Айтайлик, келинчакнинг чечаклар дасталаб кимнидир кутиши психологик жихатдан нахотки унинг эри чол эканидан, нозик калби конга тўлганидан далолат берса? Шоирнинг «нотаниш» жувонни «бебахо гўзалим» дея алкашга. шаръий хукуки бормиди? Йўк жойдан аёлнинг эри «ёмон»га чикарилади. Бировнинг махрами-келинчак янги турмушга, кўплик сафида ўйнаб-кулишга чакирилади:

Гул бермок истаган «ошигинг» сенинг

Чол эмасми, эркам, ялков, эринчак?..
Кел бери, барчамиз ўйнаб куламмиз!..

Ўша даврда муайян адабий масалалар талкини, чунончи, дохийлар, идеаллар таъриф-тавсифининг ширк даражасига олиб чиқилиши кучли сиёсий талаб билан боглик кечганини эътироф этмай бўлмайди. Аммо севгини тасвирлашда ҳам ўшанча мажбурий гоъвийлик такозоси бўлган дейиш ўзини окламаса керак. Туйгулар табиий окимини ёзолмасликнинг, саёз-сохта, калтис-галати куйлашга берилишнинг асосий сабабчиси кўпинча шоир кавмининг ўзи ва бузилаётган дунёкарашлар эканлиги сезилади. Хар кандай шеърни инсон тўқийди. Кайси замондаги, кайси мавзу ва жанрдаги намунани кузатманг, унда шоир ўз хулк-атворини, маънавиятини сизга такдим этиб турган бўлади. Хуш-ёкимли ижодда ҳам, нохуш-ёкимсизиди ҳам. Шундай экан, ижодларнинг турфа юксак ёки турфа ожиз сийрат-шамойиллар намойиш этмоги турган гап. Шоирона мойилликларнинг галати, гаройиб сўкмоклари кўп. Бунда ҳам адашмоклик осон, бунда ҳам чўккиларни забт этмок жуда мушкул.

Такрибан 30-йилларда мозий «севги бахтсизликлари»га зид ўларок, порлок ишкий муносабатлар, висол нашидалари, севгининг социалистик шижоати мактови шеърини урф бўла бошлади. Катор ашъор, дostonларда шўро давлати, коллектив хўжалик, заводлар, фабрика ва мактаблар буларнинг илк танишувига сабаб, севишиб қолишига туртки вазифасини ўтайди. Жамият севишишга, висолга етишишга, тўй қилишга кўмаклашади. Хатто ўпишишни ўргатади. Уларнинг тухматона тасвирича, эски турмуш мухаббатлиларни бир-бирдан доимо жудо қилиб келган, эскида бахт севгига этагини тутказмаган, янги тузум ишқини химоялади, севишганларни ковуштирди. «Кора ботир»ларни йўқ қилди. Дохий «пок севгига ва ўргатди вафога».

Худди ўша кунлардан «Бўса» поэтик образининг омади кела бошлаган эди. Классик шеърият асрлар мобайнида бу ходисани ифодалашдан уялиб келган, неча юз йилда санокли тилга олган, шунда ҳам «бўса»ни рамзларга қориштириб такдим эттан эди. Бўса энди миллий сўз санъатини чўчитиб келган эхтирос нишонаси сифатида шеъриятга мустахам ўрнашди. Аста-секин тасвирдаги севгини далиллайдиган, хаётийлигини исботлайдиган «хужжат»га айлана борди. Инкилоб берган тузумдагина «Лабда бўсанинг тоти умрбод қолади»ган бўлди. «Мен йигитман, — дейди шоир, буни таъқидламокка хожат бўлмаси-да, — сен баркамол киз, бўса бердинг сафоли тунда». Бўса деярли барча ижодхоналарга қириб борди. Унинг шакли, хол-холати хил-хил тусланди. Шаркий хаёт ва шаркий фасохатда мисли қўрилмаган янгичаликнинг бошланиши эди бу. Шеъриятнинг нигохи хатто кўча бўсаларини назардан кочирмади, ўзи билмаган холда бўса тасвирини тарғиб этди. «Тонги бўса» (1936) шеърдан парча:

Бири фабрикага, бири мактабга,
Бири кетар пахтазорига.
Йўлда кета туриб бири кулар,
Бири бўса берар ёрига...

Хуллас, ошик шеърият бўсага майл қуйди. Тинимсиз ўпич олаверди. Севги деганда бўса, бўса деганда севги англани борди. "Лаб" ила «Бўса» замонавий шеъриятда қадим

хаёсини, сиркорлигини саклаб кола олмади. Уларнинг тан мухаббатига мансублик маъноси авж охангларда куйланди. Бахтли ўшал замондан хозиргача бу оханглар замирида нималар идрокланиши билан, окибати кандай томонларга олиб боражаги билан, бундай сўзонликнинг жавобгарлиги борлиги билан дсярли ҳеч кимнинг иши бўлган эмас. «О, бу лаблар қаргаш учунмас, Бўса учун яралган лаблар», дейди севги куйчиси. Ёрлар ҳам сўз ўйинида ёки муносабатда ошиқлар билан тенг ҳуқуқли, улардан қолишмайди. «Гулу райхону бодом, писта, нору гунчалар ёйиб, Хусн бозорида бизни харидор этмадингизми?» дегувчи газалнависга ёр: «Бахам кўр неки бўлса мен билан биргаликда, жоним...», дейди.

У йиллардан хотира—«Янги шароитда янгича ишк» номли шеър бор. Ушбу сарлавхага ҳаммаслақ мос-муносиб келадиган юзлаб шеърлар мавжудки, уларда замона кизларининг ҳуқуқда тенглиги, гўзалликнинг меҳнатда «намойишкор»лиги, хижронларнинг ўтмишда қолганлиги беармон такрорланади: «Ёзди ўтмиш шоири хижронни кўп, Қолдириб менга бутун шарҳи висол». Советона турмушнинг ҳар бир манзараси севги бўлиб, висоллардан бахтиёрлик аломати бўлиб кўринади: «Ана юлдуз санаб бўғот лабида Кўшним мушуги ҳам қутади ёрин (?), Жонивору парранда... барида севги!(?)». Айниқса, баҳорий талкинларда севгининг оммавий уйғонишлари ва кўринишлари юзага чиқади:

Сайри бог айлаб ўтар жуфт-жуфт бўлиб, қўл ушлашиб,
Бўйига бўйи муносиб ёр билан ёр ҳар тараф.
Ҳар тараф кенгдир рақобатсиз мухаббат аклига,
Шум рақибларга берилмас энди йўл тор ҳар тараф.

Мавзунинг Ўтмиш —Бугун мезонларини қаршилантириш мусобақасида замонавий севги кўз-кўз қилинади. Хозирги авлодгагина висолга гарқлик насиб бўлгани, бу Инкилобнинг шарофати эканлиги, бизда жаннат қурилганлигига ишонтириш гоёлари илгари сурилади. Бундай поэтик тасаввурлар қучайиб, онда-сонда ишкнинг Бўсадан ҳам «сирлироқ ходисалар»и талқинига имконият очиб борди. (Интим эпизодлар борасида наср анча илгарилаб қадам ташлар, айрим роман, қисса ёки хикояни шундай лавҳаларигина характерлаб турар эди). Бирок Бўса лирикада баланд мавқеини ҳеч қўлдан бергани йўқ. Шеъриятда у ҳақда охори тўқилмаган ранг-баранг гаплар кетма-кет пайдо бўлди. Ошиқ икки гилос деб ўйлаб, ёр лабига лаб қўяди, лабини нимадир қуйдиради, қараса, «икки чўғ экан!..» Жуда мохирона, анъанавий ёзилган. «Ўп» радиқли газал уйқуда ётган ниғорнинг «аста гулнорини», «чашми хумморини», «лаъли Шаҳдборини», «киприги хорини», «қоши зангборини», «қоли раҳдорини», боринги, борини ўпмокни тавсия қилади:

Ёрнинг уйқуси ганимат,
Сен бу тун бедор бўл,
Бир-бир айтмайман, дилингда —
Қуш надир, борини ўп...

Ўзбек шеърияти дунёвий ишк мавзуида ботил фикрлаш бўйича хозиргидек авжланмаган. Гоҳида митти бир шеърий тўпламда ўнлаб ўринли-ўринсиз бўсаларга дуч келмогингиз

мумкин. «Гулоб» китобчасидан мисоллар келтирамыз: «Вужудинг ичра тургай ажиб сирри нигун бўса», «Ўзгалар қошидаким ўпиб уялтма ёрни сен», «Ёр гунчасин мен ўпгум туйиб-туйиб», «Тинч турсин олам десанг, кўй лаб-ла лабим тугмалаб», «Жон учун бир ўптир, санам», «Артдим лабим билан ёр кипригин шабнамани», «Бир бўса берди ёр мен фидойига, Дедим: — Кайтиб кўяйинми жойига», «У кулогин тутиб:—Айтакол,—деди, ўпиб дедим: —Гапим шу бир муччи-да», «Шафоат, висол уйида ёр ўпиб шақкар деса...».

Даврлар нуктаи назари қандай бўлмасин, мухаббат талқини лирик қахрамоннинг ўта хиссий муносабатинигина эмас, исломий қарашлар фаҳмини ҳам талаб этади. Аниқ, тиник, покдамон, хирсдан холи, ифқатли тасвиргина доим яшаб, кўнгулларни доим яшнатади. Хоҳ унда оний, хоҳ давомий қайфият бўлсин. Хаётий, руҳоний ибратбахш кечинмаларгина шеъриятнинг жонига ҳамиша аро қирган. Аср боши ўзбек сўз саънатини кўп хижолатли ишқий вазиятлардан қутқариб, асл адабиётга мувофиқликни кўрсатиб турган ижодлар йўқ эмас. Қодирийнинг қатта насрида, Фитрат ижодиётида, Ҳамза ва Чўлпоннинг ўнлаб шеърларида ранго-ранг севги қайфиятлари уйғун тажассумини топган. Айни ижодлар эгаларининг эътиқод тарзлари, исломий тарбия ва илмлари ҳар масала ифодасида, инчинун, ишқда ҳам нечоғли тўғри йўллар ҳамда меъёрлар белгилаб берганини марок билан ўрганса бўлади. Шу қаби фазилатлари туфайли ҳам уларни дунёвийлар, исломийлар, «фонатиклар» ва бошқа «тоифалар» бирдек ўқишган, ёдлашган, тан олишган.

Бир шеърида Чўлпоннинг кечинмаси шундай: беш йил ёниб севиб, сўнгра алданганини англаб қолади (1917— 1922). Қимни, нимани, нега севган эдим, дея изтиробланади. Бутни тангри деб фожиали адашган бандага ўхшатади ўзини. Бундаги ёлгон (севгининг, адашув («Алданиш»)нинг ижтимоий муҳитдаги ходисага бориб такалишини мушоҳадангиз аниқлаб беради. Айнан шу йили (1922) ёзгани «Кет» шеърида эса барча ўткинчи (севгиларни бирма-бир ҳайдай бошлайди шоир:

Кет, илохий виждонимни булғама,
Бутлар билан теғарамни чулғама...

Навбатдаги шеърида Чўлпон туйғуси, эҳтироси янада тиниклашади. Мажозий ишқ ўз табиий тараккийси мобайнида, ўз ичида улгайиб намоён бўлади: йигитлиги яшарган кезлар «Хар юмшоқ товушга тутқин» бўлган, «Хар гўзал чехрага кўнғил» берган, борликни улар учун қурбон қилиб юрган. «Юрганда, турганда хар гўзал нарса кўзларига севги бўлиб кўринган». Энди «Севгига ёт бўлган» ўтлар, оловлар-оний охтирослар пирпираб сўнади. Шоир англайдики, «Вафосиз севгилар ўчиб битдилар... севгида хар кўнгул бузук!». Алқисса, эндиги севгиси нурдан ёруғдир, алдов-алданишни билмас туйғудир:

Энди хар нафасда яна қуяман,
Факат Мажнун бўлиб элни суяман.

Ўтмиш сўз санъатимиздаги Яратганга мухаббат-муносабат ифодасидан узилиш, илохий-дунёвий ишқлар уйғунлиги анъанасидан мосуволик асримиз ошиқона шеъриятини беқарорликка ва паришонхотирликка анчайин мойил қилиб қўйди. Бу ҳолни

етакчи—ишки илохий билан эргашувчи — ишки дунёвийнинг ўрин алмашинуви, деб изохлаш камлик килади. Негаким Яратганга нисбатан севги бўлишлиги деярли эътироф қилинмасдан келди. Натижада сўзга масъуллик бўшашди, адабий фаросат камайди, дахрийлик ошди. Талкинга кўп йиллар мафкура такозолари зўраки тикиштирилди. Гох мантиги чуқур ўйланмаган тугёнлар шеърият шаклини тасарруф этди. Баъзи шуаро фикрлари сийка асарларни калаштириб ташлади. Бировлари дунёвий ёрларга мухаббатни илохийлаштириш билан шугулланди. Кимлардир жилваси, чиройи тенгсиз бу туйгуни шуур кўзлари билан эмас, шахвату эхтирос нигохи аралаш кузатаётганини, калами калб эмас, тан мухаббатига огишиб кетаётганини, мухлисларини ножўя хавасларга кизиктираётганини фахлмай колди. Энг мухими, бу жараённи энди хар ким хар хил тушуна бошлайдиган вақт келди... Бизнинг-да ожизона мулохазаларимиз кимгадир коллок ёхуд илгор, кимгадир каттик ёхуд юмшок нуктаи назар бўлиб англаниши мумкин.

Ёниб, энтикиб мухаббатни куйловчи шуаронинг бари муайян вақт ўтгач, вазмин ва охиста наволарга ўтади. Баъзилар ёник хиссиётнинг сўнаётгани, тўхтаётганидан нолишади. Ажабланарли жойи йўк. Фоний дунё неъматларига-яратикларига багишланган жамики севгиларимиз онийдир. Ва уларнинг бундай тадрижи, аслида, фазилат бўлиб, айни жараён ўзини тадқиқ этаётганлар учун илохий хисси томон даъватдир. Шунингдек, бу «ўтиш» тамоман тўхтама эмас, балки конуний сифат ва холат ўзгаришидир. Инсоннинг ёш, рухийат, жисмоният жихатидан ўсиб-каттариб борувидаги табиий жараёндир. Мазкур холлар шоирни тор мухаббат хусусида ёзиш ҳуқуқидан махрум этолмайди. «Бу дунёки, менинг кўнглим ярим этди, Ярни билан куйласам ҳам, олам тўлар» дейилганидек, ҳеч бир конуний ривож чин иктидор сохибларининг олий теранлик сари интилишига монелик қилмайди, балки уларни янги уфқлар идроки томон бошлайверади. Шундай кезлар шоирлар қандайдир буюк таянч — буюк мухаббат излашади. Чўлпоннинг талай севгилардан кўнгли қолиб, эл севгисини шиор қилиб кўтариши айни холатнинг хайрли самараси ҳамдир.

Мавзунинг махзун, аммо изхори қойилмаком куйчиси, шухрати юксак кечмиш бошка шоири ҳам ана шундай қайфиятни бошдан кечирди. У ҳам севгининг нималаргадир таслим бўлишлигини идрок этди. Кейин «Сокингина бўлиб қолган» юрагини «Мухаббат» деган шеърида аён қилди. Лирик қахрамони энди ўтган биринчи мухаббатни кўмсашдан наф йуклигини билади. «Хаётимда чакнамайсан факат сенгина, Толеимда сен бўлмадинг, бахтли мухаббат», дея армон бўлиб қолган туйгуни жўшқин ва маъюс алфозда чорлайди. Хаётни оралаб ўзга бир оташ ахтаради:

Кимга шошай, кимни кўмсаб, кимга сигинай?
Фариштам, деб ок ювибу ок тарай кимни?
Кимни Лайлим, Шириним, деб, бахтим, деб атай,
Хаётим, деб чўккиларга кўтарай кимни?!

Хар холда, шу янглиг барча ифодаларда кўпинча кишини ўртовчи, эзгуликка ундовчи рост дунёвий мухаббат, ёкимли ситам, завкли азоб-изтироб, мунгли диёнат балкиб турадд. Севгида алданиш, адашиш, ажратилиш инсонни олий ва беназир мухаббат хиссига элтсагина, севги шу зайл янгилансагина, чинакам саодатдир, хидоят

нишонасидир.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1998 йил 16 январь.